

КУН МАВЗУЛАРИ

"Танқидга чидамаган вазир". Энергетика вазири Жўрабек Мирзамаҳмудов ишдан ОЛИНДИ

4 соат аввал



Собиқ Энергетика вазири Жўрабек Мирзамаҳмудов

Ўзбекистон президенти фармони билан энергетика вазири Жўрабек Мирзамаҳмудов лавозимидан озод этилди.

Президент матбуот хизматига кўра, унинг ўрнига Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги директори бўлиб ишлаган Шерзод Ходжаев тайинланган.

Сўнгги ойларда Мирзамаҳмудовнинг оммавий тадбирлардаги иштироки камайган, хусусан, июль ойида нефть-газ соҳасини куз-қиш мавсумига тайёрлаш масалалари муҳокама қилинган бир қатор йиғилишларда кўринмаганди.

Жўрабек Мирзамахмудов Энергетика вазирлигини 2022 йил сентябридан буён бошқариб келаётган эди.

Унинг ишдан олингани ҳақида президент матбуот котиби хабар қилди, аммо сабабларини очиқламади:

"Шерзод Хикматуллаевич Ходжаев Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири лавозимига тайинланди ва шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги директори лавозимидан озод этилди. Бундан илгарироқ Sh.Xodjaev номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан маъқулланган эди; Жўрабек Турсунпулатович Мирзамахмудов Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири лавозимидан озод этилди".



PREZIDENT ADMINISTRATSIVASI

O'zbekiston Respublikasi
Prezidentining tegishli farmonlari bilan:

Sherzod Xikmatullayevich Xodjayev
O'zbekiston Respublikasi energetika
vaziri lavozimiga tayinlandi va shu
munosabat bilan O'zbekiston
Respublikasi Energetika bozorini
rivojlantirish va tartibga solish
agentligi direktori lavozimidan ozod
etildi.

Bundan ilgariroq Sh.Xodjaev nomzodi
Oliy Majlis Qonunchilik palatasi
deputatlari tomonidan ma'qullangan
edi;

Jo'rabek Tursunpulatovich
Mirzamahmudov O'zbekiston
Respublikasi energetika vaziri
lavozimidan ozod etildi.

—

Соответствующими указами
Президента Республики
Узбекистан:

Ходжаев Шерзод Хикматуллаевич
назначен на должность министра
энергетики Республики Узбекистан
и в связи с этим освобожден от
должности директора Агентства по
развитию и регулированию рынка
энергетики Республики Узбекистан.

Ранее кандидатура Ш.Ходжаева
была одобрена депутатами
Законодательной палаты Олий
Мажлиса;

Мирзамахмудов Журабек
Турсунпулатович освобожден от
должности министра энергетики

Президент Шавкат Мирзиёев 27 июль куни ёқилғи-энергетика соҳасига бағишланган видеоселектор йиғилишида Жўрабек Мирзамахмудовнинг лавозимдан олинишига тизимдаги жиддий камчиликлар сабаб бўлганини билдирди.

Президент шу сабаблар билан “Худудий электр тармоқлари” раҳбари Асроржон Асқаровни ҳам лавозимидан озод қилди. “Миллий электр тармоқлари”, “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзтрансгаз” ва “Худудгазтаъминот” раҳбарларига эса йил якунигача синов муддати белгиланди.

“Очиқ айтиш керак. Энергетикада муаммо маблагда эмас, чунки қанча керак бўлса, топиб беряпмиз. Муаммо тизимнинг бошқарувида”, деган президент Мирзиёев видеоселекторда.

Президент йиғилишда келтирган рақамларга кўра, жорий йилнинг июнь–июль ойларида электр тармоқларида қарийб 4 мингта авария содир бўлган. Бунинг оқибатида айрим ҳудудларда аҳоли ва тадбиркорлар 8–10 соатгача электр таъминотисиз қолган.

Шунингдек, кўплаб ҳудудларда электр истеъмолининг ўсиши ва инфратузилмага тушадиган юклама олдиндан ҳисобга олинмагани таъкидланди. Президентга кўра, тармоқдаги электр энергияси йўқотишлари 17,2 фоизни ташкил этмоқда. Ўтган олти ойда 4,8 миллиард киловатт-соат электр энергияси йўқотилган.

Мирзамаҳудов Энергетика вазирлиги сифатидаги 4 йиллик фаолияти даврида жуда баҳсли масалаларда кўп бор матбуот тилига тушган.

Айни пайтда у энг муаммоли мавзуларда ҳам матбуот ва блогерлар саволлари, ҳатто юзма-юз мулоқотларда ўз номига йўналтирилган танқидларга очиқ жавоб беришга уринган вазир сифатида тилга олинади.

Бундан ташқари, Мирзамаҳмудов Озодлик радиосига интервью берган ва Ўзбекистондаги энергетика сиёсатига доир ҳукумат расмий позициясини ҳимоя қилган.



Мирзамахмудов раҳбарлик қилган даврда Ўзбекистонда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмлари ошгани, қуёш ва шамол энергетикаси бўйича қатор йирик лойиҳалар ишга туширилгани расман маълум қилинган.

Аммо, шу даврда мамлакат Россиядан табиий газ импорт қилишни бошлади, электр энергияси ва газ тарифлари бир неча бор оширилди.

Озодлик унинг вазирлиги даврида Ўзбекистонда газ ресурсларининг Кремл назоратига ўтганига оид суриштирувини эълон қилган ва вазир ушбу суриштирувга ҳам билвосита жавоб беришга уринган эди.



[Бевосита линк](#) ✓

Айни пайтда ҳам энергетика соҳасида электр таъминотидаги узилишлар ҳамда тармоқ инфратузилмасининг эскириши каби муаммолар ҳануз сақланиб тургани ҳақида расмийлар ва мутахассислар мунтазам айтиб келмоқда.

Маҳаллий матбуотда бу вазир Мирзамаҳмудовнинг номи кўпроқ таниқли иқтисодчи блогер Отабек Бакировни судга бергани муносабати билан баҳсларга сабаб бўлди.

ремонт. Подстанциядан қувват оладиган ҳудудларда кун давомида свет бўлмаган.

4 май. [Бир ой аввалги хабар.](#) Сағбон подстанциясида ремонт ва модернизация ишлари олиб борилган. Уланган маҳаллаларда кун давомида свет бўлмаган.

2 апрель. [Икки ой аввалги хабар.](#) Сағбон подстанциясида авария ва табиийки яна ремонт. Кун давомида свет бўлмаган. Қизил, подстанция шу авариядан [уч кун аввал](#) тузатилганди.

24 март. [Сағбон подстанциясида авария.](#) Таъмирлаш расман 3. амалда 5 кун давом этган. Тошкент ва Олмазор туманларида 3-5 кун свет, бир ҳафтагача сув бўлмаган. Ажабланарлиси ва буни албатта ё прокуратура ё коррупцияга қарши кураш агентлиги текшириши керак масала, шу авариядан кейин трансформаторлар алмаштирилгани ва қуввати 25000 КВа бўлган трансформатор ўрнига 40000КВалик трансформатор ўрнатилгани [эълон қилинган.](#) Ўртоқ Мирзамаҳмудов, қандай қилиб, 25000лик трансформаторни икки марта 40000 лик трансформаторга алмаштириш мумкин?

2 февраль. Аномал қишдан кейинги илиқ кунларда [Сағбон станцияси](#) ишдан [чиққан.](#) Кун давомида свет бўлмаган.


Бу ҳисобга ёнди свет, ўчди светлар қирмайдди. Вазир ўринбосарларидан бири айтганидек, 3 соатгача свет бўлмаслигига ҳамма кўникиб бўлган ва бирон жойга шикоят ҳам қилмайдди (чўнки фойдасиям йўқ).

Энди вазирга савол: Битта [полистанция](#) ирча [мафта](#) ва

Молиячи Отабек Бакиров 2023 йил июнда ёзган Telegram постларини энергетика вазири ўзининг обрўсига путур етказувчи, деб топиб унинг устидан судга ариза киритган эди.

Суд Энергетика вазирининг шикоятини қаноатлантирмади ва бу судлов - Ўзбекистон жамоатчилиги катта қизиқиш билан кузатган жараёнлардан бири

бўлди.



[Бевосита линк](#) ✓

Мирзамахмудов Энергетика вазири бўлгунча "Ўзатом" агентлиги ва "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти раҳбари сифатида ишлаган.

2019-2020 йилларда эса энергетика вазирининг биринчи ўринбосари ҳамда "Ўзатом" бош директори лавозимларида фаолият юритган.

Шунингдек, Ўзбекистонда Россиянинг "Росатом" давлат корпорацияси билан ҳамкорликда биринчи атом электр станцияси қурилиши лойиҳаси амалга оширила бошланди.

Президент фармониға мувофиқ, энергетика вазири лавозимиға шу вақтгача Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибға солиш агентлиги директори бўлиб ишлаган Шерзод Ходжаев тайинланди.

Озодлик Мирзамахмудов ишдан олинishi ва унинг кейинги тақдирига оид тафсилотларни аниқлашға уринмоқда. Дастурларимизни кузатиб boring!